

1-26-2020

CHULPAN AND MODERN UZBEK SINGING

Bakhrom Khudoynazarovich Madrimov

associate professor of music education department, candidate of pedagogical sciences, BSU

Munisa Abdurakhim kizi Nayimova

student, BSU

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu>



Part of the [Arts and Humanities Commons](#)

Recommended Citation

Madrimov, Bakhrom Khudoynazarovich and Nayimova, Munisa Abdurakhim kizi (2020) "CHULPAN AND MODERN UZBEK SINGING," *Scientific reports of Bukhara State University*: Vol. 3 : Iss. 1 , Article 4.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol3/iss1/4>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific reports of Bukhara State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

SAN'ATSHUNOSLIK

УДК: 781.7(575.1):78.078(575.1)

ЧЎЛПОН ВА ЗАМОНАВИЙ ЎЗБЕК ҚЎШИҚЧИЛИГИ
 ЧУЛПАН И СОВРЕМЕННОЕ УЗБЕКСКОЕ ПЕНИЕ
 CHULPAN AND MODERN UZBEK SINGING

Мадримов Баҳром Худойназарович*БухДУ мусиқа таълими кафедраси доценти, пед.фан.номз.***Найимова Муниса Абдурахим қизи***БухДУ талабаси***Madrimov Bakhrom Khudoynazarovich***associate professor of music education department, candidate of pedagogical sciences, BSU***Nayimova Munisa Abdurakhim kizi***student, BSU***Таянч сўзлар:** Чўлпон, қўшиқчилик санъати, нақорат, авж, вазн, аруз, бармоқ.**Ключевые слова:** Чулпан, искусство пения, припев, кульминация, строфа, аруз, бармак.**Key words:** Chulpan, art of singing, refrain, culmination, metre, aruz, barmak (syllabic metre in Uzbek poetry).

Мақола ўзбек шоири А. Чулпан ижодига бағишланган бўлиб, унинг лирик сатрлари ҳам миллий мумтоз қўшиқларнинг, ҳам замонавий қўшиқларнинг асосини ташкил этади. Абдулҳамид Чўлпон янги ўзбек адабиётининг ёрқин вакилларида биридир. Мақола муаллифи Чулпаннинг "Гўзал", "Каландар Ишки", "Уйку" каби асарларига алоҳида эътибор қаратган.

Статья посвящена творчеству узбекского поэта А. Чулпана, лирические строки которого составляют основу как национальных классических песен, так и современных. Абдулхамид Чулпон - один из самых ярких представителей новой узбекской литературы. Особое внимание автор статьи уделяет таким произведениям Чулпана, как «Гузал», «Каландар ишки», «Уйку».

This article is devoted to the work of the Uzbek poet A. Chulpan, whose lyrical lines are the basis of both national classical songs and modern ones. Abdulhamid Cholpon is one of the brightest representatives of the new Uzbek literature. The author of the article pays special attention to such works of Chulpan as "Guzal", "Kalandar Ishki", and "Uyqu".

Кириш. Абдулҳамид Чўлпон янги ўзбек адабиётининг ёрқин намоёндаларидан биридир. Айниқса, унинг шеърляти анъанавийлиги ва новаторона хусусиятлари билан алоҳида моҳият касб этади. Шоир битиклари шунчалик қалбга яқинки, улар бастакор ва қўшиқчиларни ҳам бефарқ қолдирмаган. Хусусан, "Гўзал", "Уйку", "Қаландар ишки" сингари шеърлари ўзбек ҳофизлари томонидан куйланиб, санъат аҳлини ўзига ром этиб келмоқда. Бу шеърларнинг қўшиққа айланиши билан боғлиқ бир қатор жиҳатлар мавжуд. "Уйку" ва "Қаландар ишки" ғазал жанрида, "Гўзал" шеъри эса бармоқ вазнида ёзилган.

Асосий қисм. "Қаландар ишки" ғазали эса машҳур ҳофиз Маҳмуджон Азимов томонидан куйланган. Ушбу ғазал арузнинг ҳазаж баҳрининг мусаммани маҳзуф (мафойилун, мафойилун, мафойилун, фоилун) тармоғида яратилган. Хонанда ғазал мазмуни ва руҳига мос куйни, оҳангни танлай олган. Ундаги нолалар, кучли инсоний дард лирик қаҳрамон кечинмаларини, қалб изтиробларини ўзида акс эттиради. Ғазал матлаъси қўшиқ нақоратига айланган. Байтдан байтга ўтган сари қўшиқ оҳанги сайқалланиб, мумтоз мусиқа жўрлигида ўзини намоён эта борган.

Муҳаббатнинг саройи кенг экан, йўлни йўқотдим-ку,

Ас(и)рлик тош/ янг(и)лиғ бу/ хатарлик йўл/да қотдим-ку.

ма-фо-ий-лун/ ма-фо-ий-лун/ ма-фо-ий-лун/ ма-фо-ий-лун

Аруз шеърий тизимида хос муҳим хусусиятларидан бири – фонетик ҳодисалардир. Фонетик ҳодисаларнинг вазифаси матндаги ҳижолаҳнинг сон ва сифатини уйғунлаш-

SAN'ATSHUNOSLIK

тиришдир. Агар хонанда шу нозикликни билса ва ҳис қилса, шеърӣ матнни куйга солишда ғализликлар келиб чиқмайди. Демак, юқоридаги байтда икки ўринда (**ас(и)рлик, янг(и)лиғ**) имола ҳодисаси кузатилади. Ижрода ҳам шу жиҳат эътиборга олинса, матн ва унинг ижроси мувофиқ келади. Шундагина матн оҳангга мослашади ва мухлис қалбига етиб боради. Хонанда ижросида шу хусусият ёрқин кўзга ташланиб туради.

Унинг гулзорида булбул ўқиб қон айлади бағрим,
Кўзимдан ёшни жў айлаб, аламлар ичра ботдим-ку.

Ғазалдаги бу байт лирик қаҳрамон кечинмаларини ўзида ёрқин акс эттиради. Айниқса, таблиғ санъати (ошиқ кўз ёшининг дарёга айланиши) изтиробли ҳолатларни ёритишга хизмат қилган. Хонанда ҳам байтдаги ошиқ қалби озорларини ва туғёнларини тингловчига мусиқа орқали таъсирчан етказа олган.

Қаландардек юриб дунёни кездим, топмайин ёрни
Яна кулбамга қайғулар, аламлар бирла қайтдим-ку.

Ғазалдаги юқоридаги байт, айтиш мумкинки, унинг кульминациясидир. Бу эса мусиқашуносликда қўшиқнинг авж орқали ифода этилади. Эътибор берсак, адабиётшунослик ва мусиқа илмидаги ана шу ҳодисалар уйғунлик касб этади ва қўшиқ матнида ҳам хонанда шунга диққат қаратган. Бинобарин, қаландардек дунёни кезган ошиқ – лирик қаҳрамон ҳолати маҳзун кайфиятни ифодаловчи оҳанг орқали акс эттирилган.


Муҳаббат осмонида гўзал Чўлпон эдим, дўстлар,
Кўёшнинг нурига тоқат қилолмай ерга ботдим-ку.

Ғазал мақтаёсида ийҳом санъати қўлланган: яъни "Чўлпон" сўзи икки хил маънода: биринчиси - ёруғ юлдуз, иккинчиси таҳаллус маъносиде келган. Куй қанчалик забардаст бўлмасин, танланган матн мавзуси билан уйғун бўлмаса, у шуҳрат қозона олмайди. Зеро, юқоридаги ижро шундай талабларга жавоб бера олганлиги учун, мумтоз қўшиқлар қаторидан ўрин олган.

Чўлпоннинг 1921 йилда ёзган "Уйқу" ғазали ёш умидли хонанда Ботир Қодиров томонидан ижро этиб келинмоқда Албатта, бунда шеърнинг вазни муҳим аҳамият касб этган. Ғазал мусиқаси ҳазин оҳангга эга. Арузнинг рамали мусаммани маҳзуф тармоғи (фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун) да ёзилган бу шеърни куйга солишда, аввало, шу хусусият етакчилик қилади. Хонанда шеърнинг мазмуни ва вазнини чуқур ҳис этган. Яъни аруз оҳангини сақлаб, уни дилтортар қўшиққа айлантира олган. У ҳам мумтоз, замонавий қўшиқчилик хусусиятларини уйғунлаштиришга шу даражада эришганки, уни тинглаган мухлис шеър муаллифини бугунги адабиётдан излайди. Қўшиқ 3/4 оддий ўлчовда бастакор томонидан басталанган бўлиб, доира усулида куйидаги кўринишга эга:



(Бак бак-ко-бак, бум).



Асар *fis-moll* (фа# минор) тоналлигида ёзилган.

*Жим туринг, шовқинланманг, уйқу ичида ул пари,
Юрма, тек тур, эй шамол, юрсанг-да юр, бироз нари!*

Юқоридаги дастлабки байтни хонанда қўшиқ нақоратига айлантирган. "Нақорат – қўшиқнинг бир неча бор қайтариладиган қисми [1, 192] бўлиб, унда шоир айтмоқчи бўлган асосий поэтик фикр акс этади. Мазкур асар бошқа қўшиқлардан тузилиши билан фарқ қилади. Яъни, кўп қўшиқларда 1-банддан сўнг нақорат келса, бу қўшиқда олдин нақорат, кейин байт келади.

Мусиқий асарнинг асосини авж пардалари ташкил этади. Авж мусиқий термин сифатида қўшиқ баёни ва ривожда энг юқори нуқта [2, 5] ҳисобланади. Шу қисм хонанда

SAN'ATSHUNOSLIK

истеъдодини ўзида намоён этиб туради. Қўшиқчи шоир кечинмаларини қалбига кўчириб, гўзал бир оҳанг уйғунлигида мухлис кўнглига кириб боради. Айни чоқда, Ботир Қодиров шеърий матнга ижодий ёндашган ва унга мазмунга мос равишда бир сатр қўшган. Буни қўшиқнинг авж қисмида ёрқин кузатиш мумкин. Чўлпонда:

*Бу ётиш, бу уйқу, бу қандай ширин, қандай гўзал,
Жонланар, юз кўрсатар синган ва ясанган амал.*

Кўшиқда:

*Бу ётиш, бу уйқу, қандай ширин, қандай гўзал,
Чарчаган, толган, умидсиз кўзларим тўймай қарар.
Ҳар қарашда кўнглима, минг турли ўйларни солар.*

Шундан сўнг яна қўшиқнинг нақорат қисми куйланган:

*Жим туринг, шовқинланманг, уйқу ичида ул пари,
Юрма, тек тур, эй шамол, юрсанг-да юр, бироз нари!*

Кўшиқни ижро этиш давомида хонанда матнга яна айрим ўзгартиришлар киритган ва уни бугунга мувофиқлаштирган. Масалан, нақоратдан кейинги байт аслида куйидагича:

*Кўкда бир тўп қиз-малак уйқу куйини бошлади,
Илгари чалган тирик, жонли куйини ташлади.*

Хонанда иккинчи мисрада “ташлади” сўзини “бошлади” билан алмаштирган. Қайд этиш керакки, бу ўзгариш мазмунни кучайтирган.

Шундан сўнг яна нақорат қисми келади:

*Жим туринг, шовқинланманг, уйқу ичида ул пари,
Юрма, тек тур, эй шамол, юрсанг-да юр, бироз нари!*

Иккинчи байт эса авж сифатида ижро этилади:

*Бу ётиш, бу уйқу, бу қандай ширин, қандай гўзал,
Жонланар, юз кўрсатар синган ва ясанган амал.*

Таъкидлаш керакки, қўшиқ ижроси давомида уч ўринда нақорат қисм келади. Умуман олганда, ҳам мумтоз, ҳам замонавий оҳанглари ўзида уйғунлаштирган бу қўшиқ Ботир Қодировни хушовоз хонанда сифатида элга танитди.

“Гўзал” шеъри ҳам куйга солиниб, санъат мухлисларига тақдим этилди. Бармоқ вазнида ёзилган, олти мисралик бандлардан ташкил топган бу шеър кўпроқ замонавий қўшиқ оҳангларига солинган:

Қоронғу кечада кўкка кўз тикиб,
Энг ёруғ юлдуздан сени сўрайман.
Ул юлдуз уялиб, бошини букиб
Айтадир: мен уни тушда кўрамен,
Тушимда кўрамен, шунчалар гўзал,
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал.

Бадий матнга эътибор қилинса, унда лирик қахрамон – ошиқ қалбидаги кечинмалар табиатдаги энг гўзал манзара ва ҳолатлар (қоронғу кеча, ёруғ юлдуз) орқали ифодаланган. Аллитерация (“кечада кўкка кўз тикиб”), ташхис (“Ул юлдуз уялиб, бошини букиб”) каби санъатлар шеър бадииятини ёрқинлаштиришга хизмат қилган.

Шеърдаги поэтик мазмунни тушуниш қўшиқда сезилади. Бироқ хонанда энгил куйларга мойиллиги боис қўшиқ ўта замонавийлаштирилган. Натижада янги ўзбек шеъриятининг бетакрор намунаси бўлган бу асар мазмуни, жозибасига путур етган.

Хулоса. Юқорида таҳлил этганимиз Чўлпон шеърлари туйғу-кечинмаларга бойлиги, самимияти билан ажралиб туради. “Уйқу” ва “Қаландар ишқи” аруз вазнида ёзилгани учун хонандаларимиз томонидан мумтоз оҳанглари солиниб, ўлмас қўшиқ бўлиб халқимиз орасида яшаб келмоқда. “Гўзал” шеъри замонавий адабиётимизнинг бетакрор намунаси. Бироқ эстрада йўналишида амалга оширилган оҳанг бадий матн жозибасига бир қадар соя солган. Шунинг учун бўлса керак, бу қўшиқни куйлаган санъаткор деярли тилга олинмайди, қўшиқ ҳам хиргойи қилинмайди.

АДАБИЁТЛАР

1. Akbarov I. Musiqa lug'ati. - Toshkent: O'qituvchi, 1997. - 384 b.
2. Cho'ipon. Asarlar. I jild. - Toshkent: Akademnashr, 2013. - 330 b.